

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 199 (11.008)

Баҳоси эркин нархда

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарлари номидан самимий кутловлар битилган табрик мактублари келиши давом этмокда.
- Хитой Халқ Республикасининг Синцзян-Уйгур автоном райони маркази — Урумчи шаҳрида ўтказилган халқаро ярмаркада қатнашган қашқадарёлик тадбиркорлар фойдали шартномалар тузиб қайтишди.
- Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи якунланди.
- Тўрақўрғон туманидаги имконияти чекланган 300 нафар бола таълим-тарбия олаётган 48-махсус мактаб-интернатга «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастури доирасида Самарқандда ишлаб чиқарилган «ISUZU» автобуси топширилди.
- «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда 2007-2008 ўқув йилида олий таълим муассасаларида тахсил олаётган иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида навбатдаги «Камолот» стипендияси танловини эълон қилди.
- «Камолот» ЁИХ Марғилон шаҳар бўлими Бобур номли маҳалла гузарига шаҳар йигит-қизларининг иқтидорларини намойиш этувчи, уларнинг гоёвий-сиёсий билимларини ошириш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилувчи Ёшлар марказини барпо этди. Марказда ҳозирда 350дан зиёд ёшлар компьютер сабоқларини олмокда.
- Бухоро шаҳрида мамлакат Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган «Намунали патруль-пост хизмати саф бўлиналари» ҳамда «Намунали патруль-пост хизмати аълочи милиционер» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.
- Хоразм вилояти Адлия бошқармасида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланган семинар ўтказилди.
- «Ёшлик» спорт мажмуасида Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларда фаоллиги юқаридаги ҳаваскор спортчилар иштирокида «Мустақиллик кубоги» турнири ўтказилди.

**ЖАҲОНДА**

- Бугун Германиянинг Висбаден шаҳрида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркел ўртасидаги давлатлараро музокаралар давомида иқтисодиёт, фан ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.
- Кеча кубаликлар ўтган йил июль ойидан буён илк бор оғир операциядан чиққан Фидель Кастронинг овозини «ойна жаҳон» орқали эшитишди. Яъни, телевизорда 81 ёшли командантеннинг Венесуэла Президенти Уго Чавес билан Че Гевара тўғрисидаги телефон орқали мулоқоти олиб кўрсатилди.
- Европарламент евродепутатлар сонининг 785 нафардан 736 нафарга қисқартирилишини ёқлаб овоз берди ва унга биноан аъзо давлатларнинг 27 тасидан 17 таси Европа парламентидаги ўз ўринларининг бир қисмини йўқотадиган, Австрия, Словения, Швеция ва Мальтага эса биттадан кўшимча депутатлик мандатлари бериладиган бўлди.
- БМТ Хавфсизлик Кенгаши Мьянмада содир бўлаётган воқеаларни бир неча hafta мобайнида муҳокама этгандан сўнг баёнот қабул қилди. Унда Мьянма ҳукуматига мурожаат этилиб, мамлакатдаги тинч намоёнлиқга қарши қурол ишлатмасликка, сиёсий маҳбۇсларни озод этишга ҳамда муҳолифат билан музокаралар бошлашга қаҳирлидди.
- Украинанинг Днепропетровск шаҳрида кўп қаватли турар жойда маийш газнинг портлаши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 13 кишига етди, 20 кишининг тақдир эса номаълумлигича қолмокда. Яъни, кучли портлаш натижасида 160 та хонадондан 96 таси вайрон бўлган. Ҳозирда кутқарув-қидирув ишлари давом этмокда. Портлашдан жабрланган оилаларга янги уй олишлари учун 90 миллион гривен (18 миллион доллар) миқдорда маблағ ажратилди.
- Кеча Хиндистонда Бутунжаҳон ҳарбий ўйинлар бошланди. Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган, тўртинчи бор ташкил этилаётган ушбу мусобақалар 15 спорт тури бўйича бўлиб, бу галги турнирда 113 мамлакатнинг спортчилари қатнашмокда.
- Кеча Москвада теннис бўйича «Кремль Кубоги» халқаро мусобақалари якунланди. Турнирда эрақлар ва аёллар ўртасидаги яқалик мусобақаларида россиялик теннисчилар зафар кучишди.
- Россиянинг Смоленск ва Москва вилоятларида қалин қор ёғиб кучли совуқ тушиши оқибатида 300 га яқин аҳоли яшаш пунктларида истиқомат қилувчи 40 минг киши электр қувватисиз қолди. Тиклаш ишларини тўлалигича эртага якунлаш кўзда тутилмокда.
- Беларус Президентини Александр Лукашенко мамлакатда атом электр станцияси қуриш режалаштирилаётганини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда ҳукумат шу йўл билан энергетика хавфсизлигини таъминламокчи.

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**  
 Янгиликлар, воқеалар

**Каска сатрларда**

- **ЎТГАН** куни Ҳамза туманидаги туман Кўзи ожизлар жамиятида Ижтимоий химоя йили муносабати билан ўтказилган хайрия концерти «Тенгдош» маданият уйи томонидан уюштирилди.
- **РЕСПУБЛИКА** Байналмилал маданият марказида туркман миллий маданият маркази ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазирлигида бўлиб ўтган давра суҳбати халқаро табиий офатлар хавфини камайитириш куни муносабати билан уюштирилди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат санъат институти Миллий драматургия факультети ташаббуси билан ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбирда драматургия соҳасини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳамда бу борада миллий кадрлар тайёрлашнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.
- **ИЖТИМОЙ** химоя йили муносабати билан Мирзо Улуғбек туманида бунёд этилган «Музробод» спорт мажмуаси ўз фаолиятини бошлади.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида муҳдатли ҳарбий хизматга отланган аскар йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.
- **ФУКАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институти ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликларида уюштирилган тадбир соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.
- **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва энгил саноат институтида қозғистонлик шу соҳа мутахассислари иштирокида уюштирилган тадбирда мазкур илм масканида замонавий тикув машиналари мажмуаси ташкил этилганлиги маълум қилинди.
- **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида қўл тўпи бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати якунланди, голиблар тақдирланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ:**  
**ИШТИРОКЧИЛАР СОНИ ОШМОҚДА**


ТОШКЕНТДА 17-18 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ «ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМИ» XIII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Мамлакатимизда барча соҳалар сингари сайёҳликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмокда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизда кўплаб замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, сайёҳлик инфратузилмаси ва сервис хизмати тубдан яшилди. Буюк аждодларимизнинг бой маданий меросини тиклаш бўйича улкан хайрли ишлар амалга оширилди. Соҳада хусусий секторнинг улуши тобора ортмокда. Бу борада давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётди.

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон ўзининг ноёб тарихий ёдгорликлари, бугунги кунда моҳирона услубда таъмирланган ва наздик дид билан безатилган қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, ўзига хос ҳушманзарра табияти ва файзли гушалари, бетакрор маданияти, анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ром этмокда.

(Давоми 2-бетда).

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «ОЛОЙ» БОЗОРИДА ЖОЙЛАШГАН МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШОХОБЧАСИ — МОДАЛАР УЙИНИНГ МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ТОМОНЛАРИ ЖУДА КЎП. ЭНГ АСОСИЙСИ ЭСА БОЗОРДАН КИЙИМ-КЕЧАК СОТИБ ОЛГАН ХАРИДОР БУ ЕРДАГИ ЧЕВАРЛАР КЎМАГИДА БИР ЗУМДА УНИ ЎЗИГА МОСЛАШИ МУМКИН.**



Маиший хизмат

**МИЖОЗЛАР МАМНУН**

Шу боис бўлса керак ва яна чеварларнинг моҳирлиги ҳамда ҳушмуомаласи сабабли ҳам модалар уйдан миҳозлар қадами узилмайди. Бичувчи ва тикувчиларнинг саъй-ҳаракати билан янги модадаги либосларнинг яратилиши, талабга кўра кийим-кечакнинг таъмирлаб берилиши кўпчилики мамнун этмокда.

— Аввало биз ҳар бир миҳознинг фикр - мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатамиз, — дейди чевар Наргиза Бахромова, — бюртомаларни сифатли ва вақтида бажариб берамиз. Шу боис ҳам ишимизнинг талабга жавоб бериши миҳозларимизни мамнун этмокда.

Шунингдек, ушбу модалар уйдан уста тикувчи ва бичувчилар ёш шогирдларни тайёрлашга ҳам эътибор қаратишади, уларга ўз хунарларини кунт билан ўргатадилар. Натижада шогирдлар тез орада устозлари сафидан ўрин оли-

шиб, мустақил ишлаб бошлашади. Элга хизмат— олий ҳиммат, нақлига амал қилган маиший хизмат намунавий услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилноза СОДИҚОВА  
 СУРАТЛАРДА: (ўнгда) моҳир чевар Наргиза Бахромова; тикувчи Гулмира Хўжамуродова шогирди Дилобар Маликовага хунар сирларини ўргатмокда.  
 Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



**23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

**ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ**

**ПОЙТАХТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ 2-ТОШКЕНТ ШАҲАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 14-уйда жойлашди. Айна пайтда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси ўз ваколати доирасида фаолиятини бошлади.

Чунончи, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг биринчи мажлисида комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режаси муҳокама қилиниб, қабул қилинди. Хусусан, биринчи галдаги тадбирлар қаторига жойларда сайлов участкаларини ташкил этиш, участка сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг фаолиятини қонунчиликка асосан мувофиқлаштириб бориш ишлари киритилган. Эндиликда шаҳар округ сайлов комиссияси ўз фаолиятини календарь режасига асосан қонунчиликка қатъян амал қилган ҳолда амалга оширади.

Мажлисида комиссиянинг иш режаси ҳам тасдиқлаб олинди. Унда асосий эътибор пойтахт ҳудудида ташкил этиладиган сайлов участкаларининг барқарор ва самарали ишлаши учун вақтида зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Дарвоқе, Тошкент

шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан сайлов участкаларига бино ажратиш, уларни жиҳозлаш, шўбхасиз, уларга барча қулайликлар яратиш борасида намунавий услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг иш режасига биноан комиссия мажлисларида туман ҳокимликлари, шунингдек коммунал хизмат идоралари раҳбарларининг сайлов кампаниясига оид зиммаларига юклатилган вазифалар доирасида ҳисоботлари тингланishi белгиланган. Бундан ташқари, сайлов участкалари аъзолари учун тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда туркум семинар машғулотларини уюштириш ҳам режалаштирилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақти мобайнида Тошкент шаҳар округ сайлов округида комиссия аъзоларининг доимий навбатчилиги ташкил этилади. Барча маффаатдор кишилар, хусусан сайловчилар ҳам ўзларини қизиқтирган масалалари, тавсия ва таклифлари билан бевоқифа округ сайлов комиссиясига ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишлари мумкин: 133-83-99, 133-91-57, 136-70-28. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тадбирлари кенг ёритиб борилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг матбуот маркази ҳам фаолият юритади.

Мажлисида округ сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

**ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ РИВОЖЛАНМОҚДА**

**ТОШКЕНТДА 16 ОКТЯБРЬ КУНИ «АЛОҚА ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА ХИЗМАТЛАРИ ҲАМДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТАДИ. У ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ФЕДЕРАЛ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.**

Мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши босқичма-босқич жорий этилмокда. УА муҳбири Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази директорининг биринчи ўринбосари, техника фанлари номзоди Рихси Исаевдан бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Аввало, шуни таъкидлаш кераки, — деди Р.Исаев, — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлашти-

ришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стратегик устувор вазифаларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирлар белгиланган.

Мамлакатимизда 2003-2004 йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, ана шундай ҳужжатлардан бири «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги

қонунга мувофиқ электрон рақамли имзо шахсий имзога тенглаштирилди ва у билан бир хил ҳуқуқий кучга эга бўлди. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун эса электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий кучга эга эканини белгилайди. Электрон ҳужжатнинг мажбурий реқвизитларидан бири электрон рақамли имзо ҳисобланади. «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатларини белгилайди.

(Давоми 2-бетда).

САЙЁХЛИК ЯРМАРКАСИ: ИШТИРОКЧИЛАР Сони ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Ўзбекитуризм” миллий компаниясининг “Буюк ипак йўли” агентлиги директори Фарангиз Абдуллаеванинг айтишича, 1995 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка сайёхлик соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё миқёсидаги йирик халқро аюанжумандир. Ушбу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самараси бўлиб, юртимизда сайёхлик соҳасини янада такомиллаштириш ва чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониётлар яратди.

Ярмаркада дунёнинг етакчи халқро сайёхлик ташкилотлари, фирма ва компаниялари, мутахассислар, олим ва экспертлар Ўзбекистон сайёхлик тармоғидаги сўнгги ютуқлар, ўзгаришлар, янги анъаналар билан яқиндан танишадилар. Анжуман доирасида мамлакатимизга сайёхларни янада кўп қилиш усуллари борасида хорижлик мутахассислар билан фикр алмашилади ва янги лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади. Хорижнинг сайёхлик компаниялари билан ҳамкорликка оид битимлар тузилади.

Кувонарлиси шундаки, ярмаркада иштирок этаётган сайёхлик фирма ва компаниялари сони йил сайини ошмоқда. 2006 йилда анжуманда йигирмага яқин мамлакатдан қарийб олмишта сайёхлик ташкилоти қатнашган эди. Бу йилги ярмаркага Россия, Испания, Греция, Чехия, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амириклари, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Малайзия, Эрон, Қозғистон ва Қирғизистон каби ўттизга яқин мамлакатдан қарийб саксонга фирма ва компания вакиллари иштирок этиш истагини билдирган.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур ярмарка мамлакатимиз сайёхлик соҳасининг янада тараққий этишига, Ўзбекистонга сайёхлар оқимининг кўпайишига хизмат қилади.

ЎЗА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бунга глобал компьютер тармоқларининг ташкил этилиши натижасида дунёда ахборот узатиш ва тарқатиш соҳасида рўй берган кескин ўзгаришлар сабаб бўлди. Халқро таҳлилчиларнинг маълумотларига кўра, жами корпоратив ахборотнинг қарийб 30 фоизи маълумотлар базасида йўналишларга бўлинган ва бўлинмаган ҳолда электрон шаклда алмашилмоқда ҳамда сақланмоқда. Электрон матнли ахборот ҳажми ҳар уч йилда икки бараварга кўпаяди. Электрон ахборот ҳажмининг кўпайишига қараб, қозғодаги ҳужжатлар сони ва ҳужжат айланиши ҳажми ҳам ортади. Дунёда ҳар йили 6 миллиардга яқин янги ҳужжат пайдо бўлмоқда. Шубҳасиз, бундай шароитда электрон ҳужжат айланиши янада тез ривожланади. Бу эса ахборот алмаштириш тезлигини анча ошириб, уни сақлаш жойларига бўлган эҳтиёжни жиддий равишда қамайтириш имконини беради.

Электрон ҳужжат айланишини ривожлантириш зарурати учта омилга боғлиқ. Бу расмий ҳужжатлар билан ишлашда технологик ўзгаришларни амалга ошириш. Бунинг натижасида қозғода иш юритиш ўрнини электрон ҳужжат айланиши эгаллайди. Компаниялар катта ҳажмдаги ахборот оқимини тўплаш ва қайта ишлаш, бизнес-жараёнлар, молиявий, моддий, номоддий, меҳнат ҳамда бошқа ресурсларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни таъминлаш жараёнларини автоматлаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Жадал ривожланиб бораётган электрон тижоратда томонлар ўртасидаги битимлар Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга оширилади.

Дунёда дастлабки электрон ҳужжат айланиши тизими банк соҳасида пайдо бўлди. Шундай тизимлардан бири - SWIFT - ўтган асрнинг 70-йилларидан буён ишлатилмоқда. Кейинчалик ички ва банклараро ахборот тизимлари ҳам ривожлана бошлади. Тизимлар такомиллашиб, ривожланди ва бизнес-жараёнлар, ахборот, тасвирлар ва катта ҳажмдаги ишларни бошқаришга йўналтирилди.

Ҳозир дунёда электрон ҳужжат айланиши тизимларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган ўн минглаб компаниялар мавжуд. IBM, Microsoft, Oracle, Documentum каби компаниялар ушбу соҳада етакчилик қилмоқда. Шунингдек, электрон ҳужжат айланиши тизимларини ривожлантиришда айрим компаниялар ўз сайё-ҳаракатларини бирлаштираётгани ҳам кузатишмоқда.

Бугунги кунда электрон ҳужжат айланиши ахборот тақдим этишининг асосий усулига айланди. Турли ҳужжатлар билан фаол ишлашда эртами, кечми катта ҳажмдаги ахборотни ишлатиштириш, қайта ишлаш ҳамда хавфсиз сақлаш муаммоси юзага келади. Электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланиш орқали қозғо ҳужжатлар билан ишлаш жараёнида юзага келадиган кўплаб ташкилий ва технологик чекловларни бартараф этиш мумкин. Бу эса ҳужжатлар билан ишлаш самардорлиги, бошқариш сифатини ошириш, ахборотни ишончли ҳимоя қилишни таъ-

Бу - мамлакатимизни ислох этиш ва янгилашга қаратилган улғувор вазибаларни бажаришда миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга истисноликнинг аввалидан катта эътибор қаратиб келинаётганининг яққол тасдиғидир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли дин ва конфессия вакилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш учун кенг йўл очилиши давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган адолатли сиёсатнинг амалдаги натижаси бўлди.

Асосий Қонунимизнинг 18, 31, 61-моддалари ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонундаги ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминловчи, диний қарашларни мажбуран сингдиришни тақиқловчи бандлар - миллий, ирқий ва диний келиб чиқишдан қатъи назар - жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тотувлиқни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Диёримиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида шуҳрат топган. Бағрикенглик, осойишталик, меҳр-мурувват ғояларини ўзида мужассам этган муқаддас динимиз халқимизнинг ўзлигини англашида, кишиларни поклик ва эзгуликка қорлашда, умрбоқий кадрият ва анъаналарни асрашда бекиёс аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ислом динининг бой маънавий ва маданий кадриятларини эъзозлашга қаратилган улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 1992 йил 27 мартдаги Фармонида мувофиқ «Ийд ал-Фитр» (Рўза) ва «Ийд ал-Адҳо» (Қурбон) ҳайитлари дам олиш кунини деб эълон қилинди. Истиқлол йилларида эллик мингдан зиёд юртдошимиз Ҳаж ибодатини адо этишга муяссар бўлди.

Қурьони карим, ҳадислар тўплами ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда Қурьон кўзи оғизлар учун махсус брай ёзувида нашр қилинди.

Исломиий кадриятлар тикланди, йимон-эътиқодимиз ўзимизга қайтди. Энг муҳими, турли эътиқодга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикаимизда мавжуд кўпконфессияликнинг реал ижтимоий воқелик

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. УНИНГ МУҚАДДИМИСИДА УШБУ ҚАРОР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1992 ЙИЛ 27 МАРТДАГИ «ФАРМОНИГА МУВОФИҚ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН. ЗОТАН, АЙНИ ЎША ФАРМОН АСОСИДА ЮРТИМИЗДА РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАШ АНЪАНАГА АЙЛАНДИ.

ШУКРОНА ВА ШОДМОНЛИК БАЙРАМИ

эқани ва унинг келажакда ҳам сақланиб қолиши ҳисобга олинган ҳолда диний бағрикенглик учун тўла шарт-шароит яратилди. Утган даврда юртимизда кўплаб черков, сенагога ва ибодат уйлари барпо этилди, таъмирланди.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом олий институти (Ислом маъҳади),

қарорга мувофиқ Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу ердаги Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Тиллашайх масжиди, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг биноси ва бошқа бетакрор иморатлар инсон кўзини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосининг ёрқин намоянига айланди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани бежиз эмас. Бу, бир томондан, она заминимизда хоки покларни кўним топган улғу аждодларимиз, қанчадан-қанча тафаккур соҳибларининг табарруқ номлари ва қолдирган меросига, халқимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасига билдирилган улкан эҳтиром бўлса, иккинчи томондан, мустақиллик йилларида юртимизда миллий ва диний кадриятларимизни ўрганиш, асраб-авайлаш, ёш авло қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг жаҳон жамоатчилиги томонидан яна бир эътирофидир.

Рамазон ҳайитидек шукроналик ва шодмонлик байрами кунларида ота-оналаримиз, ака-укаларимиз, оиламиз ва фарзандларимизни улғу айём билан кутлашимиз, ёру дўстларимиз, қўни-қўшинларимизни йўқлашимизнинг савоби билсёр. Шунингдек, ҳайит байрами гина-қудуратларни унуттиш, дардмандлар кўнглини олиш, табарруқ ёшли отахон-онахонларни зиёрат қилиб, эҳтиёжмандлар, етим-есирларга ҳайру эҳсон улашадиган саховат айёмидир.

Барчамизга бундай хидоят айёмларини бардавом нишонлаш насиб этсин.

Фулор МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси

минлаш имконини беради.

Электрон ҳужжат айланиши тизимлари нафақат битта корхона миқёсида, балки мамлакат иқтисодиётининг барча жаҳаларида қўлланиш лозим. Масалан, солиқ соҳасида ушбу тизим ёрдамида солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини бажариши бўйича ҳисобот ахборотини тўплаш, уларни ҳисобга олиш, ахборот-таҳлилий солиқ текширувларини олиш ҳамда таҳлил қилиш мумкин. Ташқи иқтисодий фаолият ва боғхона соҳасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини қайд этиш, боғхона тўловлари, импорт, экспорт ва транзит қў ташвишлар тўғрисидаги ҳисоботларни олиш, иқтисодиёт ва сановат соҳасида макроиқтисодий маълумотларни тўплаш, сановатнинг ривожланишига оид асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва ҳоказоларга эга бўлишга ёрдам беради.

Бу борада бизнес-шериклар ва мижозлар билан ўзаро муносабатни ташкил этишга мўлжалланган электрон ҳужжат айланиши тизими жадал ривожлан-

Юқорида қайд этилган махсус конун ҳужжатларининг қабул қилиниши Ўзбекистонда электрон ҳужжатни самарали қўллаш учун ҳуқуқий асос яратди. Бу борада дастлабки тажрибага ҳам эга бўлди. Сирдарё вилоятида электрон ҳуқуматини жорий этиш бўйича тажриба лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлайдиган яхлит тизимни яратиш, “Сирдарё вилояти портали”ни ташкил этиш, электрон ҳужжат айланишини жорий этиш ҳамда маҳаллий ҳокимият тизимларининг фуқаролар, бизнес-тузилмалар билан янада яқин ҳамкорликка ёрдам берадиган бошқа чоралар кўзда тутилган.

Электрон ҳужжат айланишини корхонада, соҳа миқёсида, республика бўйича ва унинг ташқарисида жорий этиш катта самара беради. Мамлакатимизда замонавий электрон ахборот алмаштириш ўтиш учун электрон ҳужжат айланиши бўйича хизматлар кўрсатиш инфратузилмаси яратилди - телекоммуникация тармоғининг 80 фоизи рақамлаштирилди ва бу МДХ мамлакатлари бўйича катта қўрсаткич, ҳуқуматимизнинг асосий қонун ҳужжатлари ва қарорлари қабул қилинди, электрон рақамли имзони қўллаш инфратузилмаси шакллантирилмоқда ва ҳоказо.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу борада қатор муаммолар ҳам бор. Уларни ҳал этмасдан туриб, мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жаҳаларида электрон ҳужжат айланишини жадал ривожлантириб бўлмайди. Бунинг учун биринчи навбатда, иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида ва мамлакатимизда ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, корпоратив ахборот тармоқларини ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш зарур. Шунингдек, тармоқлар ва республика ҳудудлари ўртасида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича рақамли тафовутни қамайтириш учун шароит яратиш, электрон ҳужжат айланиши тизимлари ва хизматларини давлат бошқарувида қўллашда уларни стандартлаштириш масалаларини ҳал этиш, электрон рақамли имзонинг очик қалитлари инфратузилмасини шакллантириш учун Электрон рақамли имзоларни рўйхатга олиш марказини ривожлантириш ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари соҳасида криптография воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш лозим.

Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган “Алоқа инфратузилмаси ва хизматлари ҳамда электрон ҳужжат айланишини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги халқро илмий-амалий анжуман электрон ҳужжат айланиши хизматларидан барча жойлардаги фойдаланувчиларни ўқитиш, аҳолининг электрон рақамли имзога бўлган ишончини ошириш, электрон ҳужжат айланиши тизимларида ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш каби муҳим масалаларни ҳал этиш йўлларини муҳокама этиш имконини беради.

ЎЗА мухбири Виктор НИКОЛАЕВ ёзиб олди.

23 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайови кунини



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувч округ сайлов комиссияларини тузиш

Округ сайлов комиссияси Марказий сайё комиссияси томонидан сайловга камида етти кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбасари, котиби ва камида 6-8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясини шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувч округ сайлов комиссияларининг иқолатлари

Округ сайлов комиссияси: 1) бутун округ ҳудудида ушбу Қонуннинг ёсиини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қилинишини таъминлайди; 2) сайлов участкаларини тузади, уларнинг қўриғу бўйича тартиб рақамини белгилайди, маълуми кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон тади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентига номзодларнинг сайлов кампаниясида иирик этишлари учун тенг шароитларни таъминлай; 4) сиёсий партиялар, сайловчилар ташақкор гуруҳларни вакилларининг сайлов округи ҳдида жойлашган корхоналар, муассасалар ва тайлотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитидади;

5) сайловчиларнинг рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақд этилишини кузатиб боради;

6) пул маблағларини участка сайлов комиссияларига тақсимлайди, сайлов комиссияларинг биналар, транспорт ва алоқа воситалари бил таъминлашини назорат қилади ҳамда сайлов моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг боқ масалаларини кўриб чиқади;

7) округ бўйича сайлов ақунларини чиқади ва маълумотларни Марказий сайлов комиссияси тақдим этади;

8) участка сайлов комиссияларининг қарлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган аризамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколларни амалга оширади.

17-модда. Участка сайлов комиссияларини тузиш

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан раираис ўринбасари ва котибдан иборат таркибда илади. Агар комиссия 7 нафаргача аъзодан иорат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади; участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиб қўриғу сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларини сонини зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки қамайтилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий алатлардаги ваколатхоналари ҳузурдаги участка сайлов комиссияси раиси вазиасининг ваколатхаларнинг раҳбарлари амалга оширади.

18-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати бин таништиради, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақида аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳам тегишли ўзгаришлар киритиш масаласини ҳақилади;

3) сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш воез беришда қатнашиш имконияти бўлмаган оловчилардан сайлов конвертларини қабул қилади;

4) сайлов ўтказиладиган кун ва овоз берадиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилади;

5) овоз бериладиган биналар ва сайлов ғилари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов кунини сайлов участкасида овоз билишини ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

8) сайловга тайёргарлик қилиш ва овоз фишини уюштириш масалаларига доир ариза ва икоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қаррлар қабул қилади;

9) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколларни амалга оширади.

18-модда. Округ ва участка салов комиссияларига аъзолик

Округ сайлов комиссияси аъзолигига номдлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кееси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳа Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилнади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари тумашаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчилнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланади.

(Давоми келгуси сонда)

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ушбу тизимларда битимларни тасдиқлаш учун электрон ҳужжат алмашинуви амалга оширилади. Бу тарзда ҳужжат алмашинуви электрон ҳужжат айланиши тизимини электрон почта билан интеграциялаштириш ёки порталлардан фойдаланиш ҳисобидан таъминланади.

Бундай ўзаро муносабатлар электрон ҳуқумат, электрон тижоратни ривожлантириш учун зарур. Кўпгина давлатларда электрон ҳамжихатликнинг бундай тизимлари ҳуқумат муассасалари томонидан онлайн тартибда ўзларининг расмийтачилик масалаларини ҳал этиш, шунингдек, Интернет тармоғи орқали ҳайдовчилик ғувоҳномасини ёки бошқа руҳсат қозғоларини олиш учун қўлланилмоқда.

Айниқса, электрон ҳужжат айланиши хизматига талаб катта ва у электрон тижорат тизимларида самарали қўлланилмоқда. Электрон тижоратни амалга ошириш учун банклар ичида ва банклараро электрон тўловлар тизимлари ҳамда чакана электрон тўловлар тизимларини ривожлантириш зарур. Сўнгги йилларда банк кредитлари ва дебит картлари, шунингдек, электрон ҳамёнлардан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни бажаришнинг муқобил услубини тақдим этадиган электрон тўлов тизимлари оммалашди.

Узатиладиган ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва электрон ҳужжат далил бўла оладиган кунга эга бўлиши учун унга мақом бериш билан боғлиқ қатор масалаларни ҳал этиш зарурати электрон ҳужжат айланишини ривожлантириш йўлидаги асосий тўсиқ ҳисобланади. Бу масалаларни электрон ҳужжат айланишини ҳар бир суверен давлат ичида ҳамда халқро майдонда ҳуқуқий тартибга солиш орқали ҳал этиш мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ ИЖОДКОРЛАР  
УЮШМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 13 сентябрдаги қарорига мувофиқ ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг Тошкент шаҳрида ўрнатилган хайкали лойиҳасини яратиш бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танлов шартлари:  
1. Танловда профессионал хайкалтарошлар иштирок этадилар.  
2. Яратиладиган эскизлар ўлчамлари ва ашёси муаллифлар ихтиёрига ҳавола қилинади.  
3. Эскизлар шоиранинг бадиий сиймоси, руҳий-маънавий олами ёрқин акс эттириши ҳамда юксак эстетик талаблар даражасида бажарилиши зарур.  
4. Ҳолилар танлов хайкати томонидан аниқланади ва рағбатлангичилади.  
Муддат: 2007 йил 10 ноябрь  
Барча зарур маълумотларни Бадий академиядан олиш мумкин.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй.  
Телефон: 153-34-97.

**ЎЗБЕК КИНОСИ КҮНЧИҚАР  
МАМЛАКАТДА**

**ОКТАБР ОЙИНИНГ БИРИНЧИ ҲАҲ КҮНЛИГИДА ЯПОНИЯДА  
ЎЗБЕК КИНОСИ КҮНЛАРИ ЎТҚАЗИЛДИ.**

Уни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил этди. Фестивалда ўзбек кинематографлари томонидан турли йилларда яратилган ўн битта фильм намойиш этилди. Шухрат Аббосовнинг "Тошкент-нон шаҳри", Элёр Эшмухамедовнинг "Севишганлар", Фарид Давлетшинанинг "Бухоро амирининг сирли саргузашти", Юсуф Розиковнинг "Воиз" бадиий фильмлари шулар жумласидан. Япон кинохосломандларига намойиш этилган барча бадиий фильмлар Япония миллий фильмлар маркази мутахассислари томонидан танлаб олинди.  
Жорий йилда яратилган ва япон экспертлари томонидан юксак баҳоланган К. Камоловнинг "Йўл бўлсин" бадиий этнографик фильми, Т. Қўзиёвнинг лойиҳаси асосида яратилган "Лангар" ҳужжатли картинаси ҳам кўрсатилди.  
Фестиваль доирасида "ТBS" телекомпаниясида япон кинорежиссёри Джожи Иида суратга олган "Аждарнинг боши" картинаси намойиш этилди. Бу Японияда таниқли бўлган Саяка Канда актёрлар сулоласи вакили бўлган ўзбек кинорежиссёрининг илк ҳамкорлигидир.  
"Туркистон-пресс"

**ЯНГИ КИТОБ  
ТАҚДИМОТИ**

**"ҲҲР ҲЛКА  
ҚИЗЛАРИ"**

**РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР  
ҚҲМИТАСИДА ЗҲЛФИЯ МУКОФОТИ  
СОҲИБАЛАРИ ҲАҚИДА ТҲЛҲК  
МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ "ҲҲР ҲЛКА  
ҚИЗЛАРИ" ҲАМДА ГҲЛЖАМОЛ  
АҚҚАРОВНИНГ "ҲҲҲОТҲВЧИ  
АЛЛА", ГҲЛЖЕҲРА ЗОКИРОВНИНГ  
"ҲТМАГАН КҲНЛАР" НОМЛИ  
КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ  
ЎТҚАЗИЛДИ.**

Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилда "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг хайкалини ўрнатиш тўғрисида"ги Қарори юртимизда адабиёт аҳлига бўлган эътиборнинг ёрқин мисоли эканлиги таниқли шоирлар томонидан эътироф этилди.  
Ташкилотчилар мукофот соҳибалари ижодини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш, уларнинг иқтидорини янада камол топтириш, асарларини нашр этишда ёрдам кўрсатиш ва шу орқали баркамол ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўлиши асосий вазифалари эканлигини таъкидлашди.  
— Истеъдод эгаларини юртимизнинг турли гўшаларидан топиш мумкин, — деди Ўзбекистон халқ шоираси Ҳ.Ҳудойбердиева. — Мана саккиз йилдирки, ёш ва иқтидорли кизларга Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилаётди. Ҳар йили тақдирланадиган ўн тўрт нафар кўш миллиматини адабиётини юксакларга кўтаришга астойдил ҳаракат қилади. Бу уларнинг гайрат-шижоатидан кўришиб турибди.  
Тақдимотда мазкур китоблардан ўрин олган шеърлар таҳлил этилиб, уларнинг бадиий савияси, муҳлислар дидига мослиги, ўзбек шеърининг ўзига хос қирралари ҳақида фикрлар айтилди. Шунингдек, республикамизнинг ҳудудларидан келган шоирларнинг ижод намуналари тингланди.  
Сурайё МЕЛИҚҲЛОВА,  
"Туркистон-пресс"

**СИРЛИ ОЛАМ**

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот  
воситалари хабарлари  
асосида тайёрланди**

• Австралиянинг «Вумера» ҳарбий полигонидан япон ва француз олимлари товушдан тез учувчи йўловчи самолётини синовдан ўтказишди. Янги самолёт машур «Конкорд» самолётларидан ҳам тез учад ва Токио — Нью-Йорк ўртасидаги масофани 6 соатда учиб ўтади. Француз авиаторлари япон технологиялари асосида таннарх анчагина арзон, йўловчилар учун қулай, шовқинсиз самолёт яратишга ҳаракат қилишмоқда.  
• Япониялик меймор Тойо Ито Британия Қироллиги архитектурлик институтининг қиролича Виктория томонидан 1848 йил таъсис этилган олтин медалига сазовор бўлди. Бу қарорни ҳозирги қиролича Елизавета II ҳам маъқуллади. Тойо Ито замонамизнинг машур мейморларидан биридир, унинг лойиҳаси асосида Сендай шаҳрида қурилган Медиатека биноси жамоатчилик эътиборини ўзига тортган. Ушбу бино шаффоф кўринишда бўлиб, ички деворларга эга эмас. Унда кутубхона, концерт зали, кино театр жойлашган. Ҳозирда меймор Париж, Барселона ва Сингапурда қуриладиган замонавий бинолар лойиҳаси устида ишламоқда.  
• Яқинда 60 ёшлигини нишонлаган Стив Фоссет умрининг тенг ярмини Чикагодаги қимматли қоғозлар бозорига брокерлик меҳнати билан ўтказди. Зарур миқдордаги маблағни жамлаб олганда сўнг, бойлигининг бир қисмини кўнгили истагига сарфлади. 2002 йилда ҳаво шарида 14 кун мобайнида ер юзини айланб ўчгани учун унинг номи Гиннеснинг Рекордлар китобига ёзилди. Бу муваффақиятдан хурсанд бўлган ҳаваскор учувчи ўшанда бир ўринли самолётда сира тўхтамай, ер юзини айланб ўчши орзусини дилига тугиб қўйганди. Стив Фоссет бу орзусига эришиш учун ўзи ясаган самолётда ўтган йилнинг февралда Канзас штатидаги хуsusий аэродромдан парвозга чиқди. Осмонда деярли уч кун ўчган собиқ брокер овқат ўрнига витаминлаштирилган коктейлга қуритилган сут аралашмасини қўшиб, уни истеъмол қилган. Парвоз чоғида анчагина муаммолар юзга келган. Дастлаб навигация тизими ишламай қолди, кейинчалик Фоссет автопилотни ишга тушира олмади. Бироқ бу қийинчиликларни осмонда бартараф этган мард учувчи бор ёшлигини сўнги томчисигача ишлатиб, самолётини ўз парвозини бошлаган аэродромга қўндириб, яна бир рекорд ўрнатди.  
Мьянма давлатида галати тартиб жорий этилган. Яъни бу мамлакатда ҳар бир фўқаро компьютер масаласида қадамни ўйлаб босади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки компьютерни давлат рўйхатидан ўтказмай, фойдаланган кимса оз эмас, кўп эмас 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади.  
• Японияда император буйруғи билан мактаб ўқув дастурига қизик бир ўзгаришни киритилди. Яъни ҳар бир синфда сузиш бўйича машғулот ўтказилиши мажбурий тарзда белгилаб қўйилди. Аниқ айтганда, ҳар бир ўқувчи география, математика, тарих каби фанлар қатори сузиш бўйича ҳам мажбурий таълим олиши белгиланди.  
• Дунёда энг катта қироллик оиласи Саудия Арабистонида экан. Қироллик оиласида «бор йўғи» 4200 та шоҳиналар бўлиб, яқин қариндошлар эса оз, кўп эмас «атиғи» 40минг нафарни ташкил этар экан. Мана шу қўрсаткич оиланинг Гиннеснинг Рекордлар китобига киритилишига кифоя қилган.  
• Америкалик миллионер, физик олим Фред Кавли машур Нобель мукофотига рақобатчилик қилиши керак бўлган янги мукофот таъсис этилишини маълум қилган. ABC News телеканалининг маълум қилишича, мазкур мукофот 2 йилда бир марта астрофизика ва нанотехнологиялар, шунингдек, инсон миясини тадқиқ қилиш борасида энг катта муваффақиятга эришган олимларга берилади. Янги мукофотнинг илк топириш маросимини 2008 йилда Осло (Норвегия) шаҳрида Нобель соврандорлари эълон қилинишидан бир ой олдин ўтказилиши кўзда тутилмоқда.  
• АҚШда Ти-эн-эс Файнэнж Сервис компаниясининг йиллик маърузаси эълон қилинди. Унга кўра, мамлакатда мутахассисларнинг ҳисоб китобига қараганда, кейинги йилларда бойлиги миллион долларни ташкил қиладиганлар сони 8 фоизга ошиб, салкам 700 минг оилани ташкил этган. Бу ҳолат АҚШга ўз ҳудудига молиявий воситалар, кўчмас мулк ва қимматбаҳо қоғозлар сармояларини тўғри режалаштиришни таъқозо этади. Шунинг таъкидлаш керакки, маърузага Кениядан кўчиб келган ва Америка фўқаролигини олган, лоторейя ўйинида 1,8 миллион доллар ютиб олган 40 ёшли Мосесе Битоке киритилмаган.  
• Озарбойжоннинг Яншоқ қишлоғида Илès ва Хатин исмли эр хотинлар 104 йил бирга яшаб рекорд қўйишган Жафаровлар оиласи бирга яшада энг кўп ва қарилқда ҳам узок вақт тотув турмуш кечирганлардан ҳисобланади. Хатин Жафарова 12 фарзанднинг оиласи бўлиб, 1990 йили 120 га етганда вафот этган. Эндиликда Жафаровлар оиласи сони 200 дан ошиб кетди. Жафаровлар оиласи кумуш, олтин, бриллиант, темир, тош ва шох тўйларини ўтказишган. Қизиги шундаки, бундан кейинги тўйнинг номини ҳали одамлар ўйлаб кўрмаган эканларки, бундай узок вақт биргаликда яшаб ўтган эр-хотинлар тарихда биринчи бор учрапти.  
• Донецклик Настя Федоренко 1,5 ёшидаёқ суратга ола бошлаган эди. Ота касбига қизиқиши унинг ёшлигидан бошланди. У 3 ёшида шаҳар кўчаларига юриб чиройли манзаралар, ҳамшаҳарлари, жониворлар, боғлар ва табиат кўринишларини суратга тушириб халқаро кўргазмада медал олишга улгурди. Настя (1987 йилнинг 1 апрелида туғилган) нинг дастлабки шахсий фото кўргазмаси у 3,5 ёшга етар- етмас пайтида ўтказилган.

**ТҲҲРИСИ, АҚСАРИЯТ КИШИЛАР  
СЕДАНАНИ ФАҚАТГИНА  
БҲРСИЛДОҚ КҲЛЧА НОНЛАРГА  
КҲРК БЕРУВЧИ ҲСИМЛИК  
МАҲСУЛИ, ДЕБ ТҲШУНИШАДИ.  
ҲАБҲУКИ, СЕДАНА КҲРКАМ  
ТАБИАТИМИЗНИНГ СОН-САНОҚСИЗ  
ХОСИЯТЛИ ҲСИМЛИКЛАРИ ИЧИДА  
ШИФОБАХШЛИК ХҲСУСИЯТИГА ЭГА  
БҲЛГАН ГИЁҲДИР.**

Ўз даврида буюк табиб Абу Али ибн Сино седана билан кўз ногиронлигини, унинг асосида тайёрланадиган асал шарбатини эса қовуқ ва буйракдаги тош хасталиқларини даволашда ишлатган.  
Шарқ халқлари табибатида седанани илтиб, бошга боғланса, тумовдан холи этади ва белбоғ сифатида фойдаланилса, бод касаллигига тасалли беради. Седанани туйиб, бошинг мангали тарафига боғланса, эски бош оғригини қолдиради, бурун қаррақларидаги тиқилмаларни очади. Седананинг туйилганини узум сиркаси билан ҳамир қориб боғланса, сўғаллар, теридagi холлар, оқ пайса, майда тошма ва селли яраларга хотима беради, ҳамир қилиб боғланса,

қаттиқ шишларни, чипқонларни даф этади.  
Седанани то ҳиди чиққунча қовурилса, буни ифорли седана дейилади. Седанани туйиб, зайтун мойида пишириб, мазкур ёғдан бурунга томизилса, тери-тез акса келтирадиган тумовга даволик қилади.  
Маълумотларга қараганда, седанадан тайёрланган ёғни истеъмол қилиш ва

**Шифобахш Ҳсимликлар  
СЕДАНА**

суртиш фалажлик, юзнинг бир томонга кийшайиб қолиш, чангақ бўлиши, бугимларнинг совуқдан бўлган асоратлари, толиқиш, бел оғриғига даво, эрликка қувват бағишлаш каби ишлатларга эгаллик қилади.  
Седана билан нон ва кўчаларни безаш, уни зирвор сифатида қўллаш каби халқимизнинг мерос бўлиб келаётган одати ўз йўли билан фойдаландир. Седанани нонлар хийла узок сақланиши билан ахралиб туради.

Кўҳна хинд табобатида седана уруғлари одамни қувватга киргизадиган, пешоб ҳайдайдиган, аёллар сутини қўлайтирадиган табиий омил тариқасида, Тибб табобати амалиётда меъда, жигар касалликларига даво сифатида ишлатилган. Замонавий тиббиётда седана ўтидан тайёрланган дамманинг юрак фалиятини меъёрга келтиришда, бронхит астма ва сийдик-тош касаллигида ижобий таъсир қилиши аниқланган, седананинг бактерияларга қарши «қураш» қувватига эгаллиги аниқланган. Серхосиятли седана уруғларининг таркибига назар солинадиган бўлинса, унда 40 фоиз атрофида мей, 1,5 фоизга қадар эйфор мейи, С белгили дармондор, флавоноидлар, стероид алкалоидлар, кумаринлар, хиннолар, сапонинлар, маъданлий унсурлар жамламасига эга.  
Седана каби серхосиятли Ҳсимликни қўллаб этиштиришда бизнинг иқлим шароитимиз жуда мос келади. Қани энди зироаткорларимиз седана деб аталмиш неъматни этиштиришса, фойдадан холи бўлмас эди.

Маннон НАБИЕВ,  
доришнос



**Кўргазмалар  
ЮРТИМИЗ  
МАНЗАРАЛАРИ ҲРИН  
ОЛГАН**

**МУҲТОР АШРАФИЙ НОМИДАГИ ҲЙ- МУЗЕЙДА  
ОЧИЛГАН КҲРГАЗМА ДЕЯРЛИ 30 ЙИЛДАН  
БҲЁН БАДИЙ ФОТОГРАФИЯ БИЛАН  
ШҲҲУЛЛАНИБ КЕЛАЁТГАН СУРАТКАШ АЛЕКСЕЙ  
ПОПОВ ҲАМДА ТЕРИГА НАҚШ ТҲШИРИШ  
УСТАСИ ДМИТРИЙ КАСАТКИНЛАРНИНГ ЭНГ  
САРА ИЖОД НАМУНАЛАРИ НАМОЙИШ  
ЭТИЛМОҚДА.**

Муҳтор Ашрафий Ҳй-музейи ҳамда «Нихол» Республика болалар-Усирилар туризми ва ўлкашунослар маркази ташаббуси билан ташкил этилган «Менинг Ўзбекистоним» мавзусидаги кўргазмада А. Поповнинг «Зангор осмон», «Хумсон манзаралари», «Кекса қурашчи», «Яъши қайфият», «Ота» каби бетакор асарларидан муҳлислар катта завқ-шавқ олишаётган бўлса, «Хунарманд» номли хунармандлар ижодий бирлашмаси аъзоси Д. Касаткиннинг жуда кам кишилар шўғулланадиган ноёб санъат — терига ўймакорлик йўли билан турли-туман нақш ва тасвирлар тушириш ишлари ҳам санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмапти. Кўргазмада Касаткиннинг мамлакатимиз ва хорижий давлатлар меъморий ёдгорликлари, буюк кишилар портретлари, турли манзаралар тасвири туширилган нақшларни ўзининг бетакорлиги билан кишини хайратга солади. «Шарқда», «Бухорода қарвон», «Хива», «Буюк ипак йўлида» каби ижодий ишлар шулар жумласидандир.  
— Спорт, санъат ва табиат манзараларини суратга тушириш жони-дилим, — дейди кўргазма иштирокчиларидан бири А. Попов биз билан суҳбатда. — Бўш вақтимда ўлкамизнинг гўзал табиат манзаралари, пурвирко тоғларининг тасвирини муҳрлашга ҳаракат қиламан. Ўзбек спорт уюқларини оламга ёётган марду майдонлар ва ёш, умидли спортчиларнинг муваффақиятли онларини суратга тушириш ҳам асосий фаолият йўналишларимдан бирини ташкил этади.  
«Менинг Ўзбекистоним» кўргазмаси 21 октябрга қадар давом этади.

(Ўз мухбиримиз)  
СУРАТЛАРДА: «Менинг Ўзбекистоним» кўргазмасидан лавҳалар.  
Ҳақимжон Солихов олган суратлар



**УСТОЗИНГДАН  
АЙРИЛМА**

Умр ўтгани сари инсон ёшлигини кўмсайверар экан. Болалик чоғларинг, мактабдош дўстларинг, таълим берган устозларинг бирма- бир кўз ўнгингдан ўтаверар экан. Яъши кўнларни эслаб қувонаркансан, ёшлиқнинг бебошлиқларини ёдга олиб мулазам тортаркансан. Ўйлаб қарасам, болалигимнинг қайноқ онлари ўтган мактабимизга бормаганимга ҳам анча бўлибди. Тахминан бундан 25 йиллар чамаси олдин жонқуяр партадошларимизнинг елиб югуриши билан мактабимизда тўпланиб, 10-синфини битириб учирма бўлганимизнинг ўттиз йиллигини нишонлагандик. Ўшанда хаёт бўлган устозларимиз билан юзма-юз учрашиб, ўтганларни эса хотирлагандик.  
Қуни кеча нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар қуни баҳона бўлдию, кадрдон мактабимизга бориб, устозларни йўқлаш истаги туғилди. Очиги, мактабимизни кўриб, танимай қолдим. Бутунлай ўзгариб кетибди. Биз ўқиган паस्ताкина лойсувоқ томли илғоҳдан асар ҳам қолмабди. Унинг ўрнида қўшқават—

— Мана буни учрашув деса бўлади, — деди у мен билан қучоқлаша туриб.  
Кейин Юсуф ота оғушига олди. Қариллик аломати, астойдил қувонганимиздан кўзимизга ёш келди.  
Шу қуни ҳаммамиз тантананда қатнашдик. Ўтмишимизни ўқувчиларга ҳижоя қилдик. Бугунги дорилмон кўнлар билан ўтган кўнларни таққосладик. Ёшларни бу оздор, эмин-эркин, бахтли кўнларнинг кадрига етишга ундадик. Улар жон қулоқ билан тинглашди.  
Охирида устоз муаллим Фани ота келтирган ҳижоят ҳаммамиз учун ибратли бўлди.  
— Мен устоз ва шогирдларни бамисоли пичоқ билан қайроқ тошга ўхшатаман. Агар қайраб турилмаса бора-бора пичоқ ўтмаслашиб қолади, — дея ҳижоясини бошлади Фани ота.  
— Қўнлар ўтиб яъши қайралган пичоқ қайроқ тошни унутиб менсимай қўйибди. Омади чолиб қўлдан қўлга ўтибди, олдида турган қайроқтошни энди керак-сиз билиб ташқарига улоқтирибди. Шунда қайроқтош унинг қилмишидан қотиб қотиб қулибди.  
— Нега қулсан, ўз ҳолинггами? —

**ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН**

**ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ**

ли бир бино қад кўтарибдики, кўриб оғзинг очилиб қолади.  
— Келинг, отахон, — деди биринчи бўлиб менга дўз келган йигитча. — Ҳуш келибсиз мактабимизга.  
Бу мактабдор ўспириннинг сертакал-луфлигини кўриб ота-онанг, таълим берган устозларингга минг раҳмат дедимку, ундан директор хонасини сўрадим. У «Юринг, сизни ўзим кузатиб қўяман» дея икки чети анвойи гуллар билан қопланган узун йўлакча бўйлаб мени бошлаб кетди.  
Хайрият, директор хонасида экан. У мен билан худди кадрдонлардек қучоқ очиб қўришди, ўзбекона лутфдан сўнг сўради.  
— Ҳизмат отахон? Қадамнингизга ҳасанот.  
Келишим боисини эшитиб хурсанд бўлиб кетди.  
— Жуда яъши келибсиз, бугун мактабимизда байрам. Шодийнамазида қатнашсангиз хурсанд бўламиз. Жамоамизнинг сиздек кекса авлодлар билан учрашуви ўйламанки, ҳамма учун мароқли бўлади.  
Шодийнада бажонидил қатнашиш истагини билдириб, таълим берган устозларим ҳақида сўраб-суриштира кетдим.  
— Уларнинг кўллари оламдан ўтиб кетишган отахон. Қолганлари эса саноқ-ли. Дарвоқе бугун Фани ота билан Юсуф оталарни тантанамизга тақлиф этганмиз. Машина юбордим. Ҳозир уларни уйларида олиб келади.  
Бу ноилари келтирилган устозлар менинг кадрдонларим. Улардан бири тил ва адабиётдан, иккинчиси математика илмидан сабоқ берган. Бахтимни қарангки, устозларим билан қидириб-нетмай осонгина шу ернинг ўзида учрашсам-а. Бунақа қўлайлик бўлади.  
Кўп кўтмадик, ёши ўтиб қартайиб қолган устозларимиз ёш-яланглар қуршо-вида директор хонасига кириб келишди. Бир зум бир-биримизга тикилиб қолдик. Биринчи бўлиб Фани ота мени таниб қулоқчини кенг ёзди.

сўрабди пичоқ.  
— Ўй, аксинча, сенинг келгусингни ўйлаб қуляман, — дебди қайроқ тош.  
— Кўриб турибсан ялтираб, кескир бўлиб, чакқон қўлдан қўлга ўтиб турибман. Шундай экан, келажиким бундан ҳам бахтли бўлиши ўз-ўзимдан кўришиб турибдику, — дебди пичоқ қайроқтошга манманлик билан.  
Манман пичоқ вақт ўтиб ўтмаслашиб одамлар назаридан қолибди. Шунда у яна қайроқ тошга муҳтожлик сезибди. Чархланиб олиш учун унга ялиниб-ёлво-рибди. Афсуски, у энди қайроқ тош назаридан қолган экан. Ўйлаيمانки, қўс-садан ўзларингиз тегилши хулоса чиқари оласизлар, — деб ҳижояни тугатди Фани ота.


**ОИЛА АҲИЛЛИГИ  
ТИҚЛАНДИ**

Даврада суҳбат эр-хотиннинг муносабатлари хусусида борарди. Ўтирганлардан бири ҳаммамнинг ниғохини ўзига қаратиб хотинидан шижоят қила кетди. Гапнинг хулосаси «хотиним мени одам ўрнида кўрмайди»дан иборат бўлди.  
Бир қарашда ҳокисор, «кўй оғзидан чўп олмайдиган»дек кўринган ўрта ёшлардаги бу даврадошимизнинг сўзи кўпчиликини қайлатириб қўйди. Ўтирганлардан кимдир шундай инсоннинг қадрига етмаган хотиндан норизо бўлди. Бошқа биров яна бир нарса деди. Ачиниб билан ундан сўради.  
— Хотинингизнинг сиздан ранжишининг бирор сабаби борми ўзи?  
— Ҳеч қандай сабаб йўқ. Битта айбим ичкилик ичишим, эркак одам ичадида ахир.  
Шу гапдан кейин масаланинг моҳияти анча равшанлашди. Унга ичкиликни ташлашни маслаҳат бердик.  
Орадан бир йил ўтиб яна ўша маҳаллага туман миқёсида ўтадиган йил-ғилишда қатнашиш учун бордик. Йил-ғилишдан кейин бир пиёла чой ичиш

лар эса барбод бўлади». Зеро шундай экан, ичкилик — барча иллатларнинг асоси деган хулоса билан бу мавзуга нукта қўйсак тўғрироқ бўлади.

**ҲАР КИМ НИЯТИГА  
ЕТСИН**

Салим ота 70 ёшга кирибди. Отахон қутлуғ ёшини нишонлаб, маҳаллага ош беришга аҳд қилган эмиш, деган хабар тарқалди. Эшитиб ҳурсанд бўлдик. Отахон биз билан ҳаммаҳалла. Умри меҳнатда ўтди. У узок йиллар бир корхонада ишлаб, эндиликда меҳнат бекчилигига чиққан. Топган-тутганини бола-ларига ҳаражат қилиб, уларни ўқитди, ҳаммасини олий маълумотли қилди. Уч ўғил, бир қиз ўзига хос касбларни эгаллади. Ҳаммаси ўй-жоили. Фарзандлар ота-онага меҳрибон, қобил чиқди.  
Яқинда улар йилғилишиб, оталарининг қутлуғ ёшини нишонлашга жазм этишди.  
— Сизлар нима десаларингиз шу, болаларим, — деди Салим ота фарзандларининг хайрли тақлифидан хурсанд бўлиб. — Маҳалла-қўй, узок-яқинларнинг ошини кўп едик. Энди биз ҳам уларга ош берсак берибимиз-да.  
Ўша кундан бошлаб тўй тайёрлагилигга ҳозирлик қўрибди. Аниқ кўп белгилиниб, одамларга тақлифномалар тарқатилди. Отахоннинг қутлуғ кунини яқинлашганда, бирдан ноҳуш хабар тарқалди. Нима дейсан Салим ота тўсатдан вафот этибди.  
Афсус, у орзиқиб қутган табаррук кунни қуролмай кетди. Догда қолган фарзандлар отанинг етмиш ёшлиқ тўйи нишонланадиган кун ва ўша белгиланган жойда унинг маъракасини ўтказишди. Эскиларнинг «етказганинга шўр», деган гапларида пурманго борлигига ана шунда яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Айтнинг, айтнинг, ҳеч кимни бунақа табаррук кўнлардан бенасиб қолдирмасин.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ХИКМАТЛАР

Сўзни ишончли одамдан сўраш, ишончли одам айтган сўзга амал қилиш керак.

Ёмонларга бергин аямай жазо, Ёмонга ёмонлик бўлар мос, раво.

Олимлар зорикса, эмас яхши ном.

Ўз ишин билолмас кишининг ўзи, Бу пайтда лозимдир бўлаклар сўзи.

Нима ишни қилсанг, кенгаш, сўнгра қил, Кенгашда бўлади муродинг ҳосил.

Кенгашмай иш қилувчи одам ўқиниб йиғлайди.

Барча қиладиган ишларнинг тадбири кенгашдир.

Кенгашни ўз яқин кишиларига солиш керак — ҳар қандай иш ҳам кенгаш билан қилинади.

Кенгашни одамнинг билим доираси кенгайди, кенгашга билим аралашса, барча ишларга қўл бораверади.

Нафи йўқ кишилар кишига зарар, Нафи бор кишидан эл кутга тўлар.

Ёмонга қўшилма, ёмон бўлма сен, Ёмон иш қилувчи ёнин олма сен, Мудом эзгу бўлсин сиёсат, феълнинг, Яна иснод аро сира қолма сен.

Бировнинг ошини есанг, қил ишин, Унинг меҳри ортар ҳалол е ошин. Тузу нон ҳақини ўтасанг тугал, Киши фидо этар ҳаттоки бошин.

Оқ сут билан кирар, ахир, ҳар қилик.

Баъзи туш кишига амал келтирар, Баъзи туш кишига касал келтирар.

Неча қасру ўрда, безаклик сарой Ўлим қаршида бузилди-ку, ҳой!

Уч холдан ҳалокат етишади. Булар: овчи итнинг семриши, қўлга ўргатилган қушнинг ҳаддан ташқари тўйиб кетиши ҳамда нафсинг камол топишидир. Уларнинг йўлини кесиб туриш керак. Шундай қилмасанг, қуш овни изламайди, овчи ит семиз ва тўқ бўлса, сен отган нарсаларни келтириб бермайди. Тану жон семирса, яъни нафсинг кучайиб кетса, у ёввойи ҳайвон сифат бўлиб қолади, сенинг тилакларингга кулоқ солмайди.

Саодатли эрур моли йўқ гадои, Борга тоқат қилса, унинг кўнгли бой.

Дунёга келгандан бери одамзод, Авлоддан-авлодга ўтади ҳаёт.

Чархи кажрафторнинг йўриги ибрат бўлиб, одамнинг кўзи очилса, ўлган кўнгли ҳам тирилар экан.

Дунё-давлат келаверади, тириклик эса ўтиб бораверади, тириклик тугаса, бу дунё қолиб кетади.

Одамлар орасида ҳақиқий одам шу бўладики, ундан бошқа одамлар манфаат кўрадилар.

Яхши ният қилганларга яхшилик насиб бўлади, эзгу нияти амалга ошмаса ҳам, барибир мукофотини топади.

Ёмонлик қилувчиларга имконият бермаслик керак.

Ҳеч қандай мол-дунё кўрмасдан қашшоқликда яшаган одам мабодо бойликка эришиб қолса, эзгу феълини ташлайди.

Бу дунёда мақтов деган нарса асосан вафоли одамлар шаънига айтилади.

Тўғри сўз аччиқ бўлади, кўнглига оғир ботади, агар уни сингдира олсанг, манфаатларидан кейин ҳаловат топасан.

Беглар кимни ўзларига яқин тутсалар, одамлар унинг бор ёки йўқлигини пойлаб, ғийбат қиладилар.

Ғийбатни севмайдиган яхши одам бўлса ҳам, агар ғийбатчи орага кириб қолса, сабр қила олмайди, ғийбатга кулоқ беради.

Ким қақимчилик қилса, уни ҳам тинглагин, сўзларига кулоқ солгин, сўзларининг чин ёки ёлгонлигини суриштириб тагига етгин.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт янгиликлари

УМИД ЕТТИ ҚАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БОЛГАРИЯДА АРМРЕССИНГ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЮРТИМИЗГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ.

Ўзбекистонлик армрессингчилар чемпионатда тўртта олтин, тўртта кумуш ва бешта бронза медалини қўлга киритишди. Тўқсон килограммгача бўлган вазн тоифасида баҳс олиб борган Умид Аҳмедов учун галдаги олтин медал жаҳон чемпионатларидаги еттинчиси бўлди. Оғир вазнда кураш олиб борган яна бир спортчимиз Фарид Усмонов ҳам олтин медални қўлга киритиб, фаолияти давомида уч қарра чемпион номига сазовор бўлди. Бобур Бекжонов ва Шохрух Нуриддинов ҳам мусобақанинг илк кундаёқ биринчиликини қўлга киритишди. Мураббийлар баҳсларда асосан тажрибали армрессингчиларимизга умид боғлашган бўлсаларда ёш шогирдлари ҳам галабага бўлган маҳоратлари етарли эканлигини исботлашди. Фарход

Худоёров, Мирзохид Шаропов, Руслан Солихов, Виктория Сафчиқ ҳамда Гулҳаё Зайниддинова совриндорлар сафида мусобақани яқунлади. Яна бир ойдан сўнгра жамоамиз аъзолари жаҳон кубоги биринчилигида иштирок этади.

ИМКОНИЯТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

РОССИЯНИНГ ТОЛЪЯТТИ ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИР БЎЛИБ ЎТМОҚДА. УНДА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРДАН КЕЛГАН ЮЗДАН ОРТИҚ ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАСИ ГОЛИБЛИК УЧУН БАҲС ОЛИБ БОРМОҚДА.

Ўн битта вазн тоифасида жанг олиб бориладиган беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам тўлиқ таркиб билан иштирок этмоқда. Эътиборлиси терма жамоамизда энг кучли чарм қўлқоп усталари бор. Мутахассислар фикрига кўра

мусобақада вакилларимиз имкониятлари юқори баҳоланмоқда.

АНТОН ЕТАКЧИЛАР САФИДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ НОЯБРЬ ОЙИДА РОССИЯДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИ ЎТКАЗИЛАДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИБРАЙ ТУМАНИДА МУСОБАҚАГА ЙЎЛЛАНАМИ БЕРУВЧИ МИНТАҚАВИЙ ЧЕМПИОНАТ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Мусобақада Марказий Осиёнинг энг кучли ўн икки нафар шахматчиси дона сурмоқда. Улардан фақат биринчи ва иккинчи ўринларни банд этган шахматчилар Россияда ўтказиладиган жаҳон кубоги йўлланмасига эга бўлади. Ҳамюртларимиз орасида Антон Филипов ана шундай имкониятни қўлга киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб турибди. У саккизинчи турниҳоясига кўра етакчилар сафида боряпти.

Рустам ХАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

ЧЕМПИОНАТ ТОШКЕНТДА ЎТАДИ

ШАРҚ ЯККАКУРАШНИНГ КЎП ҚИРРАЛАРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМЛАШТИРГАН УНИВЕРСАЛ ЖАНГНИНГ ЮРТИМИЗГА КИРИБ КЕЛГАНИГА КЎП ВАҚТ БЎЛГАНИ ЙЎҚ. ЛЕКИН, ШУНГА ҚАРАМАЙ УШБУ СПОРТ ТУРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШЛАР ОРАСИДА ЖАДАЛ СУРАТДА ОММАЛАШИБ БОРЯПТИ. БУНИ СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАРДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОКЛАРИ ҲАМ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАБ ТУРИБДИ.

Шуниси эътиборлики, 1-4 ноябрь кунлари шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида универсал жанг бўйича VIII жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан келган спортчилар 9 та вазн тоифасида голиблик учун мurosасиз беллашдилар. Ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этиши кутилаётган Абдулла Кўчмуродов бош мураб-

бийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари айна кунларда Олмалик шаҳрида сўнгги ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишмоқда.

Биз ўзбекистонлик мухлислар номидан терма жамоамизга жаҳон чемпионатида зафар кучишларини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 16 ноябрь кунин соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 8 августдаги 2007 йил 25 майдаги, 2007 йил 17 сентябрдаги, 2007 йил 26 сентябрдаги ижро ҳужжатларига асосан (ажрим 10-0510/3659) тақдим этилган «Урта Осиё Транс Шарқ»ШКга тегишли ва Тошкент вилояти Қибрай тумани, Проектная кўчаси Г-15 манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаларини қўймоқда

Давлат рақами 10А0953 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.

Давлат рақами 10АХ031 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.

Давлат рақами 10АХ029 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.

Давлат рақами 10АН152 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.

Давлат рақами 10АХ030 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.

Давлат рақами 10А0892 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 2 октябрдаги 1671/2 сонли, 2007 йил 11 апрелдаги Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 1-138-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган ва Бухоро шаҳри «ЛОЛА» МЧЖ ҳудудида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 20Р54-29 бўлган, техник саз «NEXIA BO GL DOHC» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-10 156 068 сўм.

Шунингдек, Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 2 ноябрь кунин соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қайтадан қўйилади

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 16 октябрдаги 14187/13-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Шайхонтоҳур Инвест»ШКнинг жарима майдонида сақланаётган давлат рақами 30С06038 бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган ГАЗ-2411 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-498 000 сўм.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 9 октябрдаги 13862/10-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Шайхонтоҳур Инвест»ШКнинг жарима майдонида сақланаётган давлат рақами 30Г5057 бўлган 1981 йилда

ишлаб чиқарилган ВАЗ-2103 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-1 143 000 сўм.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 28 октябрдаги 10-0507/9260 сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси 29-а-у-й манзилдаги «Совпласттал» ККга тегишли ва шу манзилда сақланаётган 1993 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10АК578 бўлган микроавтобус «РАФ-2203-01» русумли автотранспорт воситаси (соз ҳолатда). Бошланғич баҳоси-1 245 384 сўм.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 28 октябрдаги 10-0507/9260 сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси 29-а-у-й манзилдаги «Совпласттал» ККга тегишли ва шу манзилда сақланаётган 1996 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10АР759 бўлган «ГАЗ-31029 Волга» русумли автотранспорт воситаси (соз ҳолатда). Бошланғич баҳоси-747 230 сўм.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 19 июндаги 1-914/06/06-сонли, 2006 йил 16 ноябрдаги 10-0621/14045-Б сонли, 2007 йил 14 майдаги 1-8824/07 сонли, 2007 йил 8 январдаги 10-0621/14212 сонли, 2007 йил 15 июндаги 10-0711/4647 сонли, ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Олмазор кўчаси 127-уйда жойлашган «Тошкентлифт» трест корхонасига тегишли ва шу манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари.

1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ387 бўлган ГАЗ-52 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-5 100 000 сўм.

1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А5132 бўлган ГАЗ-52 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-5 100 000 сўм.

1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ389 бўлган ГАЗ-5201 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-8 600 000 сўм.

1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ392 бўлган ГАЗ-52 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-4 300 000 сўм.

1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ657 бўлган ГАЗ-52 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-3 250 000 сўм.

1970 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами

10АУ388 бўлган ГАЗ-93Б русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-3 350 000 сўм.

1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АР092 бўлган ГАЗ-52 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-7 600 000 сўм.

1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ656 бўлган УРАЛ-375Е русумли автоцистерна. Бошланғич баҳоси-3 100 000 сўм.

1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АК668 бўлган ГАЗ-52 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-5 350 000 сўм.

1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЗ062 бўлган «ГАЗ-2411» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-1 100 000 сўм.

1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЗ063 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-2 500 000 сўм.

1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АН680 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-1 800 000 сўм.

1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЗ064 бўлган «ЛуАЗ-969М» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-860 000 сўм.

1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЗ261 бўлган «ЛуАЗ-969М» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-860 000 сўм.

1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами ТБ 70-45 бўлган «ЛуАЗ-969М» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-860 000 сўм.

1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами ТБ 70-47 бўлган «ЛуАЗ-969М» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-1 150 000 сўм.


Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жоғи чиқиб кўриш мумкин. Савдода қанашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатига мукноми, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатин ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз мқдориди закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 0047, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалари ва закалат пуллари қабул қилиш, савдодан бр кун олдин тўхташилади. Савдода қатнашни тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидн қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч-ий. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB01-000010.

МИНИ-ФУТБОЛ ТУРНИРИГА МАРҲАМАТ!

«2007 — Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил ижро этиш ҳамда журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз футболининг оммавийлигини даражасини янада ошириш мақсадида «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газетаси соврини учун Республика оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўзбек футболнинг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, мини-футбол бўйича 3-анъанавий турнир мусобақаси шу йилнинг 22-28 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади. Мазкур турнирда иштирок этишни хоҳлаган мамлакат оммавий ахборот воситалари ходимлари жамоалари тегишли буюртманомани «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газетаси тахририятига 2007 йилнинг 18 октябрга қадар етказишлари лозим. Кечиктириб берилган буюртманомалар қабул қилинмайди. Манзил: Тошкент шаҳри, Эшон Бобоҳон кўчаси, 67 а-уй. Тел: 144-17-37, 246-39-49, факс: 227-19-59.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.0 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон 133-28-95. Факс: (3712) 133 21-56. Манзилимиз: Матбуочилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйич турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбас акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4-уй.